

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2001 yil 12 oktabr juma № 40 (327) sotuvda erkin narxda

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

Ислом КАРИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Президенти:

— Ишончим комилки, иймони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодаларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшаётган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан биришиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намойиш этиб, терроризм деган жirkanч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Кофи АНАН — БМТ Бош котиби:

— Агар биз бу каби жиноятлар такрорланмаслигини истасак, терроризмга қарши курашда бирлиكنи сақлаб қолишимиз керак. Бу курашда халқаро ҳамжамият кучларни жипслаштириб, бirlашган коалиция ташкил қилар экан, терроризм, албатта, енгилади.

Жорж БУШ — АҚШ Президенти:

— Бизнинг мақсадимиз — террористларни ўз режаларини амалга ошириш учун фойдаланаётган пулларидан маҳрум қилишдир. БМТ резолюциясига мувофиқ, қонуний демократик ҳукуматга ҳавф солувчи, дунё тинчлигига таҳдид қилувчи ҳар қандай террорчилик гуруҳи таъжовузи албатта, бар-тароф этилади.

Муносабат

ДЕПУТАТЛАР

ФАОЛЛИГИ ЗАРУР

Юртбошимизнинг Баёнида таъкидланган йўналишлар ва кун кеча Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбатни ўқир эканмиз биз икки гапимизнинг бирида «Тинчлик бўлсин» деб қўямиз, бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кўпинча уни қалбдан ҳис этмай, моҳиятининг нечоғли чуқурлигини мушоҳада қилиб кўрмас эканмиз.

Бугун барчамиз шу яхши ниятнинг асл мазмунини тушушган ҳолда тинчликни сақлаш давлатининг — ҳарбий ёки ҳукуқий органларнинг иши, деган нотўғри ёндашувдан халос бўлишимиз даркор.

Терроризмдек иллатнинг башараси нақадар жинканч эканлигини халқимиз яхши билади. Шунинг учун ҳам «Адолат»чилар Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги иштирокини қўллаб-қувватлайди.

Партияимиз Сийёсий Кенгазининг мазкур масала юзасидан ўтказилган йиғилишида ана шу ҳақда Афғонистонда амалга оширилган ҳарбий операциялар бирон бир халққа ёки Ислом динига қаратилган эмас. Америка Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш ҳам оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида бу ҳақда бир неча бор маълум қилди. Ҳатто АҚШнинг ўзи Афғонистоннинг тинч аҳолисига инсонпарварлик ёрдамини жўнатётгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Айни кунда биздан бир нарсаси талаб қилинади. Ҳақиқат билан бўхтонани бир-биридан ажратиб олиш. Ва яна турли уйдир-миш, миш-миш, ваҳимага берилмаслик. Ўз навбатида оғоҳликни, ҳушёрликни йўқотмаслик.

Бугун сийёсий партияларнинг ҳам, депутатларнинг ҳам ўз фаоллигини намойиш этиш вақти келди. Телевидение ва матбуотнинг олдинги саҳифаларини залворли фикрлар билан банд қилиш, сайловчилар билан бўладиган учрашуларда терроризм аталмиш офатнинг моҳиятини шарҳлаб бериш биринчи галдаги вазифамиз, деб ўйлайман.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишим лозим. Оддий одамлар орасида юрар эканмиз, нима учун Ислом динига эътиқод қўйган ёки қўшниларимизга қаратилган амалий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашимиз керак, қабилидаги миш-мишлар қулоққа чалиниб қолади. Такрор бўлса ҳам таъкидлаш жоизки, Афғонистонда амалга оширилган ҳарбий операциялар бирон бир халққа ёки Ислом динига қаратилган эмас. Америка Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш ҳам оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида бу ҳақда бир неча бор маълум қилди. Ҳатто АҚШнинг ўзи Афғонистоннинг тинч аҳолисига инсонпарварлик ёрдамини жўнатётгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Айни кунда биздан бир нарсаси талаб қилинади. Ҳақиқат билан бўхтонани бир-биридан ажратиб олиш. Ва яна турли уйдир-миш, миш-миш, ваҳимага берилмаслик. Ўз навбатида оғоҳликни, ҳушёрликни йўқотмаслик.

Бугун сийёсий партияларнинг ҳам, депутатларнинг ҳам ўз фаоллигини намойиш этиш вақти келди. Телевидение ва матбуотнинг олдинги саҳифаларини залворли фикрлар билан банд қилиш, сайловчилар билан бўладиган учрашуларда терроризм аталмиш офатнинг моҳиятини шарҳлаб бериш биринчи галдаги вазифамиз, деб ўйлайман.

Турғунўлат ДАМНОВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгазининг биринчи котиби.

БУЗГУНЧИЛАР ОНА ҚАРҒИШИГА УЧРАЙДИ

Халқимизда «Ҳар ким экканини ўради» деган пурмаёно ҳикмат бор. Афғонистон ҳудудидан жойлашиб олган террорчи тўдалар ҳақли равишда бугун ўз қилмишлари учун жазо олишарти.

Биз оналар Президентимизнинг терроризм ва диний экстремизмга қарши курашдаги одилона сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Халқимиз бу ёвуз кучлар исоният бошига қанчалик оғир қулфлар солишини яхши билади.

мусибат бўлмаса керак. Лекин фарзандим Ватани, халқи олдидаги бурчини, берган сўтими оқлагани, ўқик қалбимга таскин беради. Илоё бундай хунрезликлар бошқа такрорланмасин. Шунинг учун барча бирдек курашмоғи, ҳушёрликни йўқотмаслиги зарур.

Ен қўшимиз Афғонистонда паноҳ топган террорчи тўдаларнинг кунни яқин қолган. Улар орасида ўзларини ўзбеклар деб атаётган ватангадолар борлиги нафратимизни кўзгайди. Биз Афғонистонда жойлашган террорчи тўдаларга қарши берилаётган қақшатқич зарбаларни маъқуллаймиз. Илоё терроризмнинг уйи қуйсин, унга хизмат қилаётган ваҳшийларни ер ютсин, оналар қарғиши урсин.

Розия САЎДИНОВА, Самарқанд шаҳар, Боғишамол туманидаги Навбахор маҳалласи фуқароси.

МУҚАДДАС ТУПРОҒИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Мен Ўзбекистоннинг оддий фуқаросиман. Мустақиллик туйғулари руҳи олиқ кўрдим. Хонадонимга фойз-барак кирди. Яъни, тадбиркорлик билан шугулланмоқдамиз. Ўз меҳнатимиз билан тер тўкиб ёмон бўлмаямиз. Бизга шундай имконият яратиб берган юртбошимизга ҳам минг раҳмат.

Аммо халқимизнинг тинч меҳнатини, уларнинг яхши яшашлари учун барча имкониятларни яратиб бераётган Президентимиз ва бошқа раҳбарларимизнинг адолатли ишларини қўрқолмаган бир гуруҳ ғаламислар тиш қайрамоқдалар. Имконият топди деганларича, ҳар ер, ҳар ерда террорчилик қилишмоқда. Бундан аслида оддий одамлар зарар кўрапти. Мол-мулкидан айрилиб, ҳатто беғуно одамлар ҳалок бўлишарти.

Афғонистонда террористларга қарши олиб борилаётган курашни тўғри, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон чегаралари мустаҳкам. Россия телеканаллари таркатаётган айрим миш-мишлар асоссиз. Халқимизнинг осуда турмушини қўриқлаш учун эса кучимиз етарли. Бахт берган Ватанин ҳимоя қилишга ҳамиша тайёرمىз.

Беғуно одамларнинг қонини тўкадиганларнинг бурнини ерга ишқалаб «онаси»ни кўрсатайликки, токи қилган ишига минг пушаймон бўлсин. Улар бизни ҳеч қачон қўрқотилмайди. Муқаддас тупроғимизга қадам қўймайди. Агар қилич кўтаргудек бўлсалар, ўзлари ўша қиличдан ҳалок бўлишлари мўрарар.

Абдувахоб ХОЛИМУХАМЕДОВ, тадбиркор уста, Шайхонтоҳур тумани.

ҚАЛБИМИЗДА ҒУРУР, БИЛАГИМИЗДА КУЧ БОР

Халқаро терроризм ўчоқларидан бири деб тан олинган афғон тупроғида мана бир неча кундирки, АҚШ ўз ҳарбий амалиётларини олиб бормоқда. Ҳўш, уруш бораётган мамлакатга чегарадош бўлган сурхондарёликларнинг бугун кайфияти, руҳияти қалай? Айрим ғарб матбуотларида ёзилаётганидек, термизликлар қўшни юрдаги уруш садаларини эшитиб саросимага тушиб қолганлари йўқми? Умуман уларнинг Америка олиб бораётган урушга нисбатан, қолаверса Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши курашини ёқлаётганлигига муносабатлари қандай? «Туркистон-пресс» муҳбири ана шу саволлар билан айрим сурхондарёликларга мурожаат қилди.

Орзикул СОАТОВ, Сурхондарё вилояти «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Менимча тўғри ва адолатли йўл танланди. Нафақат қурол-ярроғ сақланадиган омборларни, террорчилар лагерларини, балки гиёҳвандлик уйлари ҳам яқсон қилиш керак. Таъбир жоиз бўлса, Бен Ладеннинг танглайини гиёҳвандлик, зўравонлик кўтарди. Пировард натижада афғон халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоғи керак. Мен вазифам тақозосига қўра доимо эл орасида юрман. Юзлаб одамлар билан суҳбатлашаман. Уларнинг барчаси менга тинчлик ва хотиржамлик тарафдорли эканликларини қайта ва қайта айтишди.

Азиз АХМЕДОВ, Музработ тумани ижтимоий таъминот бўлими муҳбири:

Биз чегара туманида яшаймиз. Қўнжа Жайхун дарёсининг нариги соҳилида қўшни афғонлар шундоққина кўзга қўриниб турадилар. Баъзан бошқа ёқлардан келган меҳмонлар биздан сўрашади: «Афғонистоннинг биқинида яшар экансизлар, кўрмисизларми? Ахир, у тарафларда нотинчлик-ку?». Бу гапни улар қанчалик таҳлика билан айтмасинлар, биз хотиржам эшитамиз. Лекин тинч яшаш, меҳнат қилиш учун, осудалик, оқсоқиллик, муҳофаза қафолатлашимиз лозим. Ҳўш бундай қафолат борми? Мен шундай қафолат бор, дея ишонч билан айтаман. Сарҳадларимизни яхши қўрқоллаган ва чиниққан, қолаверса садоқатли, ватанпарвар аскарлар, зобитлар, ҳушёр туриб кўриқлашмоқда.

Халқаро терроризм — аср вабоси

СОФДИЛ ИНСОН ВАЗИФАСИ

Шу кеча-кундуз инсониятга тўртта балон азим кўз тикиб, даҳшат солиб турибди: ялпи киргин қуроллар — бир бало. Гиёҳвандлик яна бир бало. Акципарастлик — яна бошқа бир бало. Террорчилик ҳаммасидан ошиб тушган баттарини бир бало. Чунки қурол-ярроғ, акципарастлик ва гиёҳвандлик тугатилган жойда террорчи дунёга келади, террорчилик содир этилади.

Террорчилик алоҳида бир мамлакат ёки бирор минтақа доирасидагина эмас, бутун дунё миқёсидаги ижтимоий иллатга айланиб қолди. Шунинг учун ҳам террор деган сўз бутун дунё халқлари тилларида таржима қилинмай бирдек қўлланилмоқда, нафрат билан тилга олинмоқда. Шу ҳолатни назарда тутиб, биз ушбу мақоламизда террор ва террорчилик ҳақида, унинг тарихий илдизлари, бу ижтимоий иллатнинг бирорта динга, шу жумладан, Ислом динига мутлақо алоқаси йўқлиги ҳусусида, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг неча йиллардан бери террорчиликка қарши берилаётган курашини зарурлиги тўғрисида билдирган фикрлари, таъкидлари ва даъватлари ҳақида бир мунча ба-тафсилроқ тўхталишга жазм этдик.

Зеро, террорчиликка қарши курашиш ҳар бир софдил инсоннинг вазифаси бўлиши керак, албатта. Биз, қалам аҳлининг вазифамиз шундан иборатки, террорчиларнинг турки ва жirkanч қиёфасини кўрсатиб, террорчиликнинг асл моҳиятини фаш этиб, кенг оммага маълум қилишдир, бу борада Ўзбекистон ҳукумати тугатган позиция тўғри ёндашув эканлини халқимизга тушуштириб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда омма-

да жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бирёқлама қарашлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сийёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда. Бунини қарангки, носас ва ғаразли кучлар террорчилик афғониди ҳам ўз манфаатини кўзлаб, вужудга келган қалтис ҳолатдан фойдаланиб қолмишга уринмоқдалар. Бизнингча, уйдирмалар тўкиб чиқиб, тарқатиш ҳам ўзига хос бир жиноят.

Кишилик тарихи — бу жаҳон халқлари қурраи заминимизда тузган маданий давлатлар тарихи ҳамдир. Ҳар бир давлатнинг тўб мақсади ўзини тузган халқнинг Ер юзиде сақлиниб қолиши, бардавом яшаш ва дунё турғучига туриши, фуқароларнинг тинч-омон умр кечириши, мамлакатнинг обод ва фаровон бўла бориши, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини ўзлуқсиз таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун давлат бошлиғининг сийёсий ҳушёрлиги ҳамда узоқни кўра олиш салоҳияти, шундан келиб чиққан ҳолда ўз

халқини оғоҳликка даъват этиб туриши ва шу руҳда тарбиялаш борасида чоратадбирлар кўриши зарур. Муҳтарам Ислом Каримов мамлакатимизга раҳбарлик қила бошлаган дастлабки кунларданок бу масалага жиддий эътибор бериб, уни ҳақиқатдиққат марказида тутиб келмоқда. 1997 йили чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт фоллатлари» китобида шу масалага алоҳида тўхталиб, республикамиз ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу борада амалга оширилиши зарур бўлган жиддий ва долзарб вазифаларга қаратган эди.

Шундан бери орадан тўрт йил вақт ўтди. Китобда илгари сурилган гоилар нақадар ҳаётийлиги, ўз вақтида келажакни аввалдан кўра олиб билдирилганлиги тобора аёнлашиб бормоқда. Асар кўпгина хорижий тилларга, таржима қилинди. Мазкур китоб муаллифи сиймосида Ўзбекистонимиз ва халқимизни чет элларда ҳам



Тинч ва оқсоқиллик меҳнат кучида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тараққиёт этишига ҳисса қўшишдан ҳам улкан бахт йўқ.

СУРАТДА: «Самарқандвиллоятгаз» акционерлик жамиятининг Каттақўрғондаги 2-механизациялашган кўчма жамланмиси пайвандчиси Иброҳим Абдурахимов юрт ободлиги йўлида катта ишларни амалга оширмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

ДИОҚАТ:
«ОБУНА ТАНЛОВИ»!

«Адолат» газетаси тахририяти 2002 йилга обуна давом этиётганлиги муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгаши уртасига «Адолат» газетасига энг кўп обуна учун

Танлов эълон қилади
Танлов шарти битта:

— Ҳар бир вилоят партия Кенгаши ўз вилояти ҳудудига энг кўп кишини «Адолатга» обуна қилиши керак.

Ғолибларни мукофотлар қутди.

Биринчи мукофот: 1000 донна обунани ташкил этган вилоят партия ташкилотига 1 та замонавий рангли телевизор.

Иккинчи мукофот: 800 донна обунани ташкил этган вилоят партия ташкилотига 1 та видеомагнитофон.

Учинчи мукофот: 600 донна обунани ташкил

этган вилоят партия ташкилотига 1 та қимматбаҳо қандил.

Ўз ҳудудларида обунани 500 доннадан оширган вилоят партия ташкилотларини ҳам қимматбаҳо совғалар қутди.

Танлов муддати шу йилнинг 20 декабригача.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2002 йилнинг 20 февралда топширилади.

«АДОЛАТ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ.

КУРАШАМИЗ ТИНЧЛИК УЧУН ТО ЖОН БОР ТАНДА

Эй, азиз Ватаним, сен жону дилим, Сени макон этган меҳнаткаш элим. Сен ягона, сен дурдона Ватаним жоним Сенла яшар, сенла яшар жону жаҳоним.

Тупроғингни ҳар тонг сахар кўзимга суртгум, Хизматингда дарёларни этиксиз кечгум. Ширин-шакар мева боғинг севиниб кучгум, Осмонингда бургут каби мен мағрур учгум.

Олий ҳиммат отажонлар яйрар бағрингда, Кўриб иззат онахонлар яйрар бағрингда. Ҳар бир қўшинг гўё булбул сайрар бағрингда, Бутун олам қойил сенинг тўйу базмингда.

Ёш авлодинг доимо шод, сендан миннатдор, Яйраб-яшнар бағрингда ул кўнглида баҳор. Сен уларга омад бердинг, бахт, иқбол бердинг, Шунинг учун жонин фидо қилишга тайёр.

Сени қўллаб яшаганлар қунаб яшасин, Улар давр даврон суриб ўйнаб яшасин, Сenga ёмон ният қилган ҳар банда бўлса, Уларга ҳам инсоф берсин, ўйлаб яшасин.

Яратганинг ўзи бизга раҳнамо бўлсин, Она-Ватан, она юртим, у танҳо бўлсин. Ватан улуг, Ватан буюк бебаҳо бўлсин, Бағри бутун халқим кўнгли қувончга тўлсин.

Террорчиға ўрин йўқдир бизнинг ватанда, Курашамиз тинчлик учун то жон бор танда. Қолмай десак келажакда гамда, армонда, Ҳушёр бўлиб яшаб керак ўшабу замонда.

Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши иккинчи котиби.

СОФДИЛ ИНСОН ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кенг танитмоқда. Буни қарангки, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида муҳим террорчилик содир этилиши арафасида жаҳон тамаддунининг бешикларидан бири бўлмиш кўҳна Юнонистонда – Сукрот, Афлотун, Арасту ва Хомерларнинг ватанида грек тилида нашр этилди, халқаро ҳамжамият олдига турган замонавийнинг умумбашарий муаммолари қай даражада долзарб ва кечиктириб бўлмаслигини яна бир бор ёрқин намоён қилди. Афинада бўлиб ўтган ушбу китоб тақдимида Греция ҳукумати номидан сўзга чиққан Греция Тараққиёт вазирлигининг давлат котиби Д. Калудотиос ўз нутқида, жумладан, бундай деди: «Мен Ислон Каримовнинг маъмур китобини ўқиб чиқдим ва глобаллашув даврида кўпгина мамлакатлар, хусусан, уларнинг етакчилари янги воқеалар, ўзгаришлар билан боғлиқ, шунингдек, ҳавфсизлик, ривожланиш ва ҳамкорликка алоқадор масалаларни муҳокама қилишга ёрдамчи бўлишди. Ўзбекистон Президентининг ушбу китоби юқоридаги масалалар юзасидан кўчур маъноли жавобларни ҳамда дунё тарихининг ҳозирги тез ўзгаришчан даври юзасидан қимматли тавсияларни беради».

Дарҳақиқат, худди шундай. Чиндан ҳам, Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби яхлит стратегик концепция ифода қилган асардир. Маълумки, ёвузлик ва қонхўрликнинг, террорчиликнинг миллилати бўлмади. Бу нарсалар дахлсиз деб ҳисобланувчи давлат чегараларини ҳам тан олмайди. Каерда илҳомини топса, томир ёйеверади. Террорчилар уюшган ҳолда иш қўришни энг қулай усул деб билдилар, шунда жон сақлашлари учун имкониятга кўпроқ эга бўладилар. Ислон Каримов ана шу оддий ҳақиқатдан келиб чиқиб, китобда, жумладан, бундай деб ёзади: «Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомиди миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга қўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши мумкин».

Муаллиф бу асарда чет эллик давлат арбоблари ва жаҳон жамоатчилигининг диққатини тобора кучайиб бориши куталаётган халқаро террорчиликка жиддий муносабатда бўлишликка, ҳушёрликка қаратган эди. Афсуски, жаҳон сиёсатида етакчи ҳисобланувчи кучли давлатларнинг бошлиқлари Ислон Каримовнинг бу даъватига ўз вақтида етарлича эътибор қаратмадилар.

1999 йилнинг 18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовга сўз берилди. Ўртабозимиз бу кишида учта жиддий фикрни – учта долзарб тақлифни муҳокама учун ўртага қўйди. Биринчиси, халқаро террорчилик нарқобизинсис ҳисобига тобора моддийлашмоқда, бундай моддийлашув жараёни ниятда ҳавфли, унинг олдини олиш керак. Иккинчиси, халқаро террорчилик инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънави маъна эдди, инсониятни наслан бўлишига олиб бориши мумкин. Президентининг учинчи тақлифи шундан иборат: «Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсада мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм қўриқчилари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблаб билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қўрол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз

бажарилиши бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим».

Афсуски, халқаро террорчиликка қарши кураш маркази ўз вақтида тузилмади. Бундай марказ тузилганда халқаро террорчилик ҳозиргидек кенг ёйилиб кетмасди, АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган террористик акциялар юз бермаслиги мумкин эди, деган ўйга борасан, киши.

Ҳўш, террор нима, террорчи ким, қандай кимсалар террорга қўл урган ва қўл урмоқда? Қўлига қўрол олган ҳар бир аламзада одамни ҳам террорчи деб аташ мумкинми? Ўзи террорчилик қачон пайдо бўлган? Нима учун ХХ асрнинг охирида ва ХХ асрнинг бошидан террорчилик бутун ер юзиде кучайиб кетди ва тобора кучайиб бормоқда? Ўйлаймизки, бу саволлар бутун инсониятнинг ҳозирги ва келгуси қисматига дахлдор саволлардир.

Муайян сиёсий мақсадда давлат ва жамоат арбоблари ҳаётга қасд қилиш – террорчиликнинг тарихи узун. Бироқ шуниси таъсишланарлики, инсоният тараққиёт тоғини сари террорчилик қўламини ва турлари қўлайиб, халқаро миқёсдаги ҳавф-хатарга айланиб кетди. Ҳозирги кунда террорчилар давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, дипломатик ваколатхона аъзоларига қарши қотилликлар уюштирмоқда, чет эл дипломатларини ўғирлаш, қўрол ишлатиб, самолётни олиб қочиш ва таниқли шахсларни гаровга олиш, муайян мамлакат ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш мақсадида кўпуровчилик қилишлар тез-тез юз бериб турибди, бундан аксарият ҳолларда беғуноқ одамларнинг ёстиги қуримоқда, бинолар вайрон бўлмоқда.

Ҳозирги кунда террорчиларнинг ҳам, террорчиликнинг ҳам тури ва хили кўп, таъсир доираларига қўра ҳам турли мавқеадир. Гўдакларни ўғирлаб, гаровда ушлаб туриб, уларнинг ота-онасидан катта маблаб талаб қилувчи террорчилар ҳам бор. Уюшган ҳолда халқаро миқёсда кўпуровчилик қилувчи ашаддий террорчилар ҳам мавжуд.

Мана бир неча ҳафтадирки, бутун тараққиёт парвар инсоният АҚШда содир этилган ва минглаб беғуноқ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган террорчилик ҳаракатларини уюштирган ва бажарган қабил қимсаларни қораламоқда. Халқаро террорчиликка Ўзбекистон ҳукумати ва халқининг муносабати муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг энг нуфузли минбарлардан туриб айтган сўзларида, берган интервьюларида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2001 йил 13 сентябрдаги баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий Ҳавфсизлик Кенгашининг шу йилнинг 1 октябрида бўлиб ўтган йиғилишида баён этилди. Бундай жиддий муносабат Президентимизнинг 5 октябрда эълон қилинган баёнотида ва Ўзбекистон Миллий ахборот Агентлигининг муҳбири билан суҳбатда батафсил билдирилди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, истиқлол йилларида мамлакатимиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, бой маданий-маънавий салоҳиятига, давлат етакчилигининг шахс сифатидаги нуфуз-эътиборига таянган ҳолда халқаро сиёсатининг мустақил ва обрўли омилга айланди. Бунда Президент Ислон Каримовнинг мустақиллик – «энг аввало, ўз эрки ҳамда миллий манфаатлар йўлида ўз ҳаётини ташкил қилиш, ўз келахагини ўз қўли билан қуриш ҳуқуқи» деган концептуал ғоясини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда жаҳоннинг жуда кўпгина катта-кичи мамлакатларида уюшган террорчи тўдалар яширин фаолият кўрсатмоқда, бу инсоният учун катта ҳавф-хатардир. Айниқса, Ер юзидеги туртта минтақа – Болқон ярим ороли, Шимолий Кавказ, Яқин Шарқ ва Афғонистон уюшган террорчиликнинг уяси бўлиб турибди. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов бир неча йилдан бери ва қайта-қайта энг нуфузли минбарлардан туриб халқаро ҳамжамият диққатини уюшган террорчиликка қарши биргаликда кураш олиб бориш зарурлигига, бу ишни пайсалга солиш яхши оқибатларга олиб бормаслигига қаратган эди. Шу жумладан, Афғонистон ва унинг теварагида вужудга келган можароларни тинч йўл билан, муросяа келиш орқали бартараф этиш масаласи ўртага

қўйилган эди. Президентимиз ташаббуси ва Ўзбекистон дипломатиясининг саъй-ҳаракати ва жонбозлиги билан Тошкентда «6+2» халқаро анжумани ўтказилди. Бу анжуманда илк бор Афғонистондаги икки муҳолиф куч – Шимолий альянс ва толибонларнинг расмий вакиллари бир стол атрофида учраштиришга эришилди. Бу Ўзбекистоннинг минтақада, қолаверса, бутун Ер юзиде тинчликни ўрнатишга қаратилган олижаноб ташқи сиёсатининг муайян даражадаги самараси эди. Афсуски, жаҳон ҳамжамияти бу кўтлуг қадамга тегишлича эътибор бермади, бошлаб берилган йўл давом эттирилмади. Оқибати барчага аён – Афғонистон ўт ичида, бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизликка жиддий таҳдид солиб турибди.

Сўнгги пайтларда содир этилган кўпуровчиликлар Ўзбекистоннинг тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари нақадар тўғри бўлганини тасдиқлаб турибди. Маълумки, Ўзбекистон ўз вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб террорчилик, унинг қўриқчилари, молиявий манбаларига қарши курашга қаратилганди.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг оддий бир фуқароси ва бир ёзувчи сифатида террорчиликни мутлақо қоралаймиз ва террорчиларга нисбатан нафратимиз кескиндир. Биз Ер юзиде террорчилик балоси даф бўлишининг тарафдоримиз.

Ўзбекистон овози, халқаро миқёсда эътироф этилаётган экан, Ер юзиде тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга муносиб таъсир кўрсатаётган экан, яқин келажақда мамлакатимиз БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг аъзолари сафидан ўрин олишини умид қилсак арийдим. Зотан, ХХ аср инсоният тарихидан тафаккур асри сифатида ўрин олиши қутлимлоқда.

Шу йилнинг 26 сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган II қақирқ халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Президент Ислон Каримов жамоатчилик диққатини яна бир бор халқаро террорчиликка қарши биргаликда кураш олиб боришга қаратиб, қўйидаги фикрларни билдирди: ёвуз террорчилик кўп одамлар, халқлар ва давлатларнинг, жумладан, АҚШ каби дунё сиёсатида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, қўли салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг ҳам қўзини очиб берди. Очигини айтиш керакики, илгари бу давлатлар мана шундай муҳим воқеаларга нисбатан қўпинча кузатувчилик позициясида турар эди.

Эндиликда террорчилик инсоният бошига мислсиз қулфат келтирувчи ёвуз кучга айланиб кетганини, дахлшати бало-ю офат эканини ўз ҳаётда кўриб, унинг таъсирини сезиб, унга қарши биргаликда курашиш вақти-соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди.

Мамлакатимиз ўзининг геосиёсий ҳолати, тарихи, ресурс салоҳиятига таянган ҳолда қирриб келган ХХ асрда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг пешқадам марказларидан бирига айланиш учун барча заминга эгадир. Давлатимизнинг халқаро террорчиликка қарши кураш бобиде кўрсатиб келаётган ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари ҳам шу фикримизга далил бўла олади. Ўзбекистоннинг бунёдкорликка асосланган ички сиёсати каби ташқи сиёсати ҳам хорижий мамлакатлар ва уларнинг халқлари билан дўстликни янада кучайтиришга, жаҳонда тинчлик йўлида бир-бирини тушуниш, яратувчилик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, халқаро террорчиликнинг барча қўриқчиларини бартараф этишга қаратилган одиллона сиёсатдир. Бу ҳаётбахш сиёсатни кенг халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, жойларда мулоқотлар ўтказиб тушунириб бериш, террорчилик дину миллати бўлмаслигини мисоллар орқали фойда этиш барча зиёлиларимизнинг, шу жумладан, сўз санъаткорлари бўлмиш адибларимизнинг ҳозирги асосий вазифаларидан биридир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон санъат арбоби

Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро муқофот совриндори.



Бугун бог ва узумзорлардан йиғиштириб олинаётган мўл ҳосилни кўриб дилингиз яйрайди. Олтинсой туманидаги «Олтинсой» ширкат ҳўжаги ижарасида Жўмагул Хўжақулова ҳам йил бўйи қилган меҳнатларининг самарасини кўрмоқда. У етиштирган узумлар элимиз дастурхонини беэмоқда. СУРАТДА: Жўмагул Хўжақулова ҳосил чўғидан жўмол.

Зафар

ЖОМБОЙ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАДА

Жомбой тумани заршунослари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режасини урдалади. Қабул манзилгоҳларига 14000 тоннадан зиёд юқори сифатли ҳомашё етказиб берилди.

Кўлга киритилган бу «Жомбой», «Зарафшон», «Дўстлик», «Гулистон», «Охун», «Улғабек» номи, Х. бобоев номи ширкат ҳўжа Низоматов номи, Н. лиқлари ҳамда А. қўрбон Эсонтурдиев номи, номи, Амир Темур номи

жамоа ҳўжалари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Жомбойлик деҳқонлар режага қўшимча яна 1,5 минг тонна пахта тайёрлаш учун йиғим-теримда сафарбарлиқни кучайтирмоқдалар.

Ўз муҳбиримиз.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан ҳукуматнинг «Иқтисодиёт тармоқларини 2001-2002 йил куз-қиш мавсумида ишлашга тайёргарлиқ тўғрисида»ги шу йил 27 июндаги қарори бажарилишини текшириш юзасидан махсус комиссия тузилди.

Маъмур комиссиянинг асосий мақсади Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш жараёнидаги танқидий ўрганиб чиқиб, қорхона ва ташкилотларнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёргарлигини ўрганиш учун Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат махсус ғуруҳлар республика вилоятлари ва минтақаларига юборилди.

Ўзбекистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Қозим Тўлаганов расишга қаратган комиссия иши ғуруҳлари томонидан тақдим этилган текшириш натижаларини танқидий таҳлил этиб, республика иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёргарлигининг аҳоли ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масалани Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 октябрда бўладиган мажлисида киритиш юқлатилди.

Бунда комиссияга қишга тайёргарлик юзасидан ҳукумат томонидан тасдиқланган барча тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши масаласига алоҳида эътибор қаратиш юқлатилди. Бундан ташқари, тармоқ ва ҳудудий бошқарув идоралари раҳбарларига шаҳарлар, туманлар, қорхоналар, турар жойлар, ижтимоий соҳа муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, коммунал хизмат бўлинмалари, қозонхона ва муҳандислик иншоотларининг келаётган куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши боразида масъулиятини ошириш юқлатилди.

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ЙўНАЛИШЛАРИ

Тошкентда ўтказилган «Барқарор иқтисодий Тараққиёт ва Минтақавий ресурсларни бошқариш» мавзусида халқаро анжуман чет эл сармояларини Ўзбекистон халқ ҳўжалигига жалб этишга бағишланди. Анжуманда чет эл инвестицияларини жалб этишнинг йўналишлари белгиланб олинди.

– Ўзбекистон макроекономикаси сиёсатининг асосий вазифаси инвестиция жараёнидаги ўсишга шарт-шароит яратишдан иборат, – деди Тошкент давлат иқтисодиёт университети директори, иқтисод фанлари доктори Носир Маҳмудов. – Энг қулай ҳуқуқий дастакларни яратиш, соҳаларга имтиёзлар шулар жумласига кирди. Давлат бош ислотчи сифатида энг муҳим макроекономикасиёти кўрсаткичларига таъсир қилишда, хусусан, бу миллий даромадни тўплаш ва сарфлаш тақсимоти.

Имтиёзли божхона божлари ёрдамида импорт ускуналарининг нархларини ушлаб туриш, улар баҳосини бозор баҳоларидан арзонлаштириш учун фойз устамаларига таъсир қўрсатиш шундай шароитларга кирди.

Н. Маҳмудовнинг таъкидлашича, кейинги вақтларда Ўзбекистонга йилига 1-1,2 миллиард доллар миқдориде чет эл инвестициялари жалб этилаётган. Бу борада давлат божқаруви инвестиция иқлимининг шакллантириш кўзда тутди. Ушбу жаҳонда раёнларга мамлакат парламенти, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар, бошқарув тузилмалари ҳамда барча бозор иштирокчилари жалб қилинмоқда. Ин-

Осоишталогимиз посбонлари

Китоблар унга эзгу чўққиларга одоб, ақл, билим билан етишиш йўлларини кўрсатар эди. Бу йўллардаги ўнқир-чўнқир тўсиқларни енгиб ўтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармас эди.

Одилжон болалигида кўрган фильмини кўп эслайди. Бир эркакчи ўсмир уч-тўртта оғайни-си билан иччилик, отасининг қўролидан ўқ узиб, одам ўлдириб қўяди... Йиғитлик чоғида ҳам, талабалик даврида ҳам, кейинчалик ўзи оила қуриб, бир касбнинг этагидан тугта-нида ҳам унинг қалбиде ўша ношуд фарзандга нисбатан нафрат ҳисси сўнмади...

Одилжон Арслонов 1968 йили тумандаги хўнар-билим юртини битириб, яширинча ҳарбий комиссариятга қатнаб бошлади. Ҳарбий хизматдан сўнг Ички ишлар бўлимига ишга қабул қилинди. У аввал Қўқон автомобил йўллар техникумини, кейин Тошкент Автомобиль йўллар институтини сирдан муваффақиятли битирди. Санкт-Петербург шаҳридаги малака ошириш курсида ўқиди. Янгийўл шаҳар Ички ишлар қўриқлаш бўлимининг бошлиқ ўринбосари, участка катта ноилдизини пухта ўрганиш учун ўз устида тинимсиз изланди. Уни айниқса ёшлар ҳаётдаги мураккаб давр кўп ўйлантирарди.

– Энг катта фўжеа, – деди подполковник Одил Арслонов, – ота-онанинг фарзандини эрка ўстиришда, қўлга беҳисоб пул беришида. Бунинг ёмон оқибати – бола учун кўп нарсаси қадрини йўқотади. Узоққа бормайлик Янгийўл шаҳридаги байрам тантаналарида ёшларнинг юриш-туришлари, дайдишлари, даста-дасте

зёб бўлмаган. Мен албатта, бахтли болалик, маоркли ҳордиқ ҳақида ҳеч нарсаси демакчи эмасман. Аммо ким ўзига ҳарид қилинаётган қимматбаҳо либослар, ҳаддан зиёд тўқин дастурхонлар, кечайиш шайларига байрам тантаналарида ёшларнинг юриш-туришлари, дайдишлари, даста-дасте

ишлар бўлими шахсий таркиб бўйича бошлиқ ўринбосари Одилжон Арслонов ҳақида ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш бўлими бошлиқ майор Умарали Мирзаев илиқ фикрлар билдирди. Шогирдлари – милиция капитани Абдуҳаким Тўғизбоев, милиция лейтенанти Фуломжон Алимовлар ўз иш фаолиятларида қандай муаммолар учраса, доим устози Одил акага мурожаат қилишларини чўқур ҳурмат билан тилга олишди.

Милиция подполковниги Одилжон ака Арслонов бўш пайтини олти фарзанди, беш набираси давридада ўтказишни ёқтиради. У кишининг турмуш ўртоғи Мухаббат опа болалар ишига ҳамиша бошу қош. Беихтиёр Одилжон Арслонов қараб, ватанимизнинг шундай фидойи инсонлари бор экан, кўнглимизни таскинлик, оёсийишалик ҳисси чўлгайверади, деган ширин ҳаёлларга борасан киши.

Мухайё ТўЛАГАНОВА.

Ислоҳот ва самара

БЕКОБОД ТОЛАСИ — ХОРИЖГА

Бугун даладардаги қайноқ иш мароми «Бекобод пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятига ҳам қўйган. Деҳқоннинг дил мейри, қалб қўри эвазига етиштирилган мўл пахта ҳосили бу ерда пешма-пеш қабул қилиб олиниб, қайта ишланмоқда. Бошқачасига айтганда ишчан жамоа масъулиятли дамларнинг қадрига етиб, иш суръатига суръат қўшаётти.

Хар йили Бекобод туманидаги олтита хўжаликда етиштирилган пахтани қабул қилиб оламиз, — дейди биз билан суҳбатда ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Маъмуржон Маманазаров. — Мавсумга қорхонамизни аллақачон ҳозирлаб қўйган эдик. Пахта йиғим терими бошланиши билан хўжаликларда етиштирилган ҳосилни пешма пеш қабул қилиб олишни йўлга қўйдик. Ўз навбатида пахтани қайта ишлашни ҳам пухта олиб бордик. Бунинг эвазига ҳозиргача 14 минг тоннадан зиёд оқ олтинни қабул қилиб олдик. Уларнинг барчаси биринчи ва иккинчи навларга тўғри келади. Кейинги йилларда биз билан ҳамкорликда ишлаётган бу хўжаликларда «Омад» ва «С-65-24» пахта навлари яхши самара берапти. Уларнинг сифат кўрсаткичи доимо юқори бўлмоқда. Қорхонамиз маҳсулотларига четдан талаб ва эҳтиёжнинг ор-

тиб бораётганлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Утган ойда 500 тонна тонали Жанубий Кореяга жўнатган эдик. Яқинда эса 200 тонна Бекобод толаси ортилган юк вагонлари Францияга йўл олди.

Бугун пахтанинг алоҳида аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтиш шарт эмас. Аммо бир нарсга аён: йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил нафақат пахтакорнинг, балки соҳамиз жонқурларининг ҳам фахру ифтихори бўлиши керак. Унинг юртимиз бойлигига бойлик бўлиб қўйилишини ҳисобга оладиган бўлсак масала янада ойдинлашади. Шундай экан пахтани қайта ишлаш жараёни жуда ҳам муҳимдир. Ҳозирги пайтда биргина «Бекобод пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг ўзида 95 фоиз маҳсулот хорижага экспорт қилинмоқда. Яъни, дунёдаги 15 дан зиёд мамлакатга бу қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилаяпти.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.



Миллий либослар—миллат кўрки.

Ойнадан ўпкалама

ТАРТИБСИЗЛИКНИНГ ИЛДИЗИ

Сариосиё туманидаги деҳқон бозорида назоратнинг бўшашириб юборилганлиги эмасмикин?

Яқинда Сариосиё тумани марказидаги бозорда бўлди. Очиги бозордаги нарх-наво анча баланд. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари бирмунча қimmat экан. Бир килограмм бўғдой 160 сўмдан, бир литр пахта ёғи 1000 сўмдан сотилаётганининг ўзидаёқ фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Аммо айримларда бунга эътироз ҳам туғилиши, яъни, бозор иқтисоди бўлса, хар ким молини кўтарганига сотади, дейиши мумкин. Тўғри фикр. Аммо бир лекин бор. Тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътироф этишларича, Сариосиё Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлганлиги сабабли ҳам анчагина моддий бойликлар четга олиб чиқиб кетилмоқда. Шу туфайли ҳам бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бирмунча баланд.

Бундан ташқари туман марказидаги бозордаги тартибсизлик ҳаддан зиёд. Атрофда қичқиллар, мови-сабзавот қолдиқлари сочилиб ётибди. Айниқса, хўл мови ва сабзавот сотилаётган жойда ахвол чатоқ. Усти ёпиқ рас-таларнинг бир қисми бўш бўлсада, кўпчилик ерда савдо қилмоқда. Аммо бозор маъмуриятининг парволи-палак. Деҳқон ва соҳибдорларга шариот яратилиши ҳаёлларига келтиришмапти. Наҳотки улар бундай ҳол турли касал-ликларни келтириб чиқариши мумкин-лигини билишмаса?

Яна бир гап. Одатда бозорга келтирилган хар бир маҳсулот лаборатория кўригидан ўтказилиши ва истеъмолга яроқли бўлсагина сотишга рухсат берилиши керак. Аммо биз мови-сабзавот сотувчиларда шундай рухсатнома бор, йўқлигини сўраганимизда улар елка қисийдан нарига ўтиша олмади. Хатто сут, сут маҳсулотлари, турли хил салатлар сотаётганлар ҳам бу ҳақда тасаввурга эга эмасликлари ажаблантирди, бизни.

Шунингдек, бозорда сотувчилар томонидан махсус назорат кўригидан ўтмаган тарозилардан бемалол фойдаланишмоқда. Лекин буни назорат қил-диган, ахволни ўнглайдиган мард топилмаётти.

Тартибсизликнинг давомини тайёр

озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган растанларда ҳам кўриш мумкин. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудуд-ида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари бузилмоқда.

Хусусан, қатор озиқ-овқат маҳсулотлари махсус жойларда муайян шариотларда сотилиши белгилаб қўйилганига қарамай улар қоидага хилоф равишда очик-ойдин сотилаётди. Айниқса, пахта молни савдоси авжда. Турли хил ичимликлардан бўшаган бир, бир ярим литрли идишларга солиб қўйилган пахта ёғи харидорда шубҳа уйғотиши табиий. Чунки сотувчилар бизга маҳсулотнинг қаерда тайёрланганини кўрсатувчи, сифатлигини тасдиқловчи бирор-та ҳужжат кўрсатиша олмади. Шундай шариотда асли нималиги номалум бўлган, бироқ пахта молни деб бир литр миң сўмдан сотилаётган «мой»дан истеъмолчилар заҳарланмаслигига бозор маъмурияти, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари қафолат беришармикан?

Биз Сариосиё туман бозорида юз бераётган тартибсизликлар тўғрисида «Бозорқўм»ни оғохлатириб қўйиш мақсадида бошлиқ Ҳамро Қурбоновни изладик. Аммо уни тополмадик. Амаллаб бозор ҳисобчисига йўлиқиб вазиятни тушунтирсак, у: «Бу нарсалар менга тааллуқли эмас» деб туриб олди. Кейин-кин «Бозорқўм»нинг укалари Равшан Қурбонов туман ҳокимлигида иш-лайди», деб қўйди нимагадир ишора қилгандек.

Кейинчалик маълум бўлишича, ҳақиқатан бозорқўмнинг укаси Сариосиё туман ҳокимлигида ҳуқуқшунос ва қадрлар бўйича иш юритувчи эканлиги, Ҳамро Қурбонов эса аслида тиш те-ниги мутахассиси эканлигини билиб ол-дик. Шунинг учун эмасмикан, бозорда тартиб йўқлиги?!

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси янгиликлари

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Нукусда иш бошлаган Қорақалпоғистон Республикаси тугма ногиронларни тиклаш марказининг тақдирот маросими ўтказил-ди.

Бугунги кунда — деди марказ бошлиғи Руза Кулмуродова «Тур-кистон-пресс» мухбири-га. — Марказнинг асосий вазифаси тугма ногирон-ларга нафақат моддий,

балки маънавий ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу кунгача Шуманай, Мўйнок туманларида, Ну-кус шаҳрида марказ бўлимлари очилди.

Р. Кулмуродованинг таъкидлашича, АҚШнинг

халқаро ҳамкорлик та-килотли, «Қорақалпоқту-нов», «Қорақалпоқсавдо» ҳамда «Кафе-Нукус» та-килотлари марказга яқиндан ёрдам бермоқ-да. Марказ қошида шубҳа қорхонаси очил-ди, 10 нафар болали-гидан ногиронлар «Плат-тас» қорхонасига ишга жойлаштирилди.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ универси-тетиди «Туркистон-пресс» ахборот агентли-ги ва «Время и мы» газетаси ходимлари-нинг талабалар билан учрашуви ўтказилди.

Учрашувни универси-тет журналистика ка-федраси бошлиғи В. Қўжиқбоева очди. Шун-дан сўнг «Время и мы» газетасининг бош му-хбири О. Қурбонова, «Туркистон-пресс» ах-борот агентлигининг Қорақалпоғистон Рес-публикаси бўйича мух-бири Д. Абйўллаевлар сузга чиқиб, агентлик томонидан олиб бори-лаётган ишлар, унинг наشري бўлган «Моҳият» ва «Время и мы» газе-талари тўғрисида маъ-лумотлар берди.

— Келгуси йил учун

Мавзуга қайтиб

нинг ҳеч қаерда ишласа-лигига ишонмайсиз киши. Эътибор бераётган бўлсангиз, ойналарни қорайтирилган ва бошқа бир қанча тартиб-қоида-ларга бепасанд назар бу-лан қарайдиганлар бошқа-раётган шахсий автомаши-наларнинг давлат рақамла-рига жуда ваҳимали: иккита нол, учта нолдан бошлана-ди.

15 F 0003 давлат ра-қамли шахсий «Нексия» ру-сумли автомобилнинг ҳуж-жатлари билан танишамиз. Ҳайдовчи Сарвар Жўраев

дагидек бири «фалончи» аканинг ўғли, бириси «фалончи» аканинг жияни, яна бири «фалончи» акани-нинг укаси. «Фалончи» аканининг эрқа куйла-рини айтмасизми? Ушандай «фалончи» ака-лар ростидам фарзанд-ларига, яқин уруғ-аймоқ-ларига эрк бериб, бема-лол қонун-қоидаларни бу-зиб юришига шариот я-ратган кўринади.

Қонунчилик моҳиятини онгли равишда англайди-ган, фуқароларнинг қонунларга қай даражада риоя этаётганлигини на-зорат қилишга ваколатли шахсларнинг қариндош-уруғлари содир этаётган номаъқулчиликлар кўпчи-лигининг нафратини кўзга-моқда. Оқдид фарғона-ликлар билан бўлган ўза-ро мулоқотларда бундай қонунбузилишларга қачон чек қўйилади, деб улар ҳақли эътироз билдири-шапти.

Алишер Мамажанов

бошқарувиди «Нексия»

автомашинаси тўхтати-ди. В 2000 ФЕ давлат ра-қамли шахсий автомаши-на ойналари қорайтирил-ган. Ҳайдовчи айбини тан олди. Аммо, гап орасида отаси Ҳасан Мамажанов-нинг вилоят ҳокимиятида ишлашини айтиб, узр сўради. ДИХХ ходими баённома тузди.

Ўзбекиликда муқаддас

удумлар бор. Асрлар мо-байнида оталар фарзан-длар тарбияси учун масъ-ул бўлиб келганлар. Фар-ғонада аксарият қонун-бузарларнинг оталари, ака ва тоғалари кишилар-га ҳалоллик ва тўғрили-дан, маънавият ва маъ-рифатдан йўл-йўрқ кўрсатадиган кишилар экани аён бўлди. Хўш, нега улар ўз яқинлари со-дир этаётган қонунбузи-лишларни қўриб қўрма-лиққа олаётдилар?!

Одамлар назарида од-дий бўлиб туюлган бун-дай қонунбузарлиқни ба-ратараф этиш аслида жиддий муаммо бўлиб қолаётганини ташвишли.

Вилоят йўл ҳаракати хиз-мати бошқармаси, унинг шахар ва туманлардаги

ҳодимлари сай-ҳаракат-лари туфайли бундай қонунбузилишларга қар-ши кескин чоралар қўри-лапти. Шунга қарамай, бундай қонунбузарлиқни та-ғ-томири билан йўқо-тишининг илоҳи бўлма-пти. Кишилар қонулар барчага баробар-ку, деб ҳақли равишда сўраш-моқда. Шундай экан, хўш Фарғонада бу борада қачон тартиб ўрнатила-ди?

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

«ПАРАНЖИ»

ёки унда қандай сир бор?

шина эгаларининг кўпчили-ги Марғилон шаҳрида исто-тикомат қилаётганлар экан. Демак, Марғилон шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари на-зоратни бўшаптириб юбо-ришган кўринади. Мана бу-нисини қаранг: 15 F 0004 давлат рақамли «Нексия» русумли орқа ва ён ойна-лари қорайтирилган авто-машина Давлат йўл ҳара-кати хавфсизлиги хизмати ҳодимининг тўхташ ҳақида-ги ишорасига бўйсунмай гизиллаб ўтиб кетди. Ора-дан ярим соат ўтмай яна уша «Нексия» қаршимизда пайдо бўлди. Энди у қочишга имкон топа олма-ди. Узини Фарғона вилоя-ти «Нефтич» жамоаси тре-нер-оператори Халил Те-шабев деб таништирган йигит «ДИХХ» ходимини тўхтатганини кўрмай қолибман», деб ёлгон га-пирди. «Нексия» ойналари қорайтирилганини тан олиб, бошқа бу қонунбу-зарлик қайтарилмаслигини айтиди. «Нексия» салониди ёшгина аёл ўтиради. У ўзини Марғилон шаҳри идораларидан бирининг раҳбари бўлиб ишловчи кишининг қизи эканлигини билдириб, турмуш ўртоғи Халил Тешабевни тўзроқ қўйиб юборишликни сўра-ди. Қонунбузарлик тўғри-сида баённома тузилди.

Фарғона вилояти ҳоки-мияти ёнидаги. 15 F 7070 давлат рақамли оқ рангли «Нексия»нинг орқа ва ён ойналари қорайтирилгани учун тўхтатилди. Автомаш-на ҳайдовчиси Муҳсинжон Холдиров ҳам Марғилонда тутилган. Ҳужжатлар билан танишар эканмиз, у ашад-дий қоидабузар эканлиги сири очилиб қолди. Аввал-роқ ҳайдовчилик гувоҳнома-си олинган, ундан кейин та-дони қоидабузарлик қил-гани суриштирди. Бу ав-томашина жарима майдони-га жўнатилаганини эшитиб унинг оғзидан маданий ки-шилар ишлатмайдиган сўз ҳам чиқиб кетди. Аччиқлан-ди. Ҳа, ҳаммаси аён. Ҳай-довчининг ишонган киши-си борлиги сири очилгандай бўлди? Бошқалардан бош-қароқ ажаллиб юришни ихтиёр этганлар, қуни ке-либ одамлардан ажаллиб қолишди. Узи эгаллар тур-ган лавозимига номуносиб хатти-ҳаракат қилишга одатланганлар охи-оқибат юзи ерга қайтди.

Айрим ҳолларда одам-лардан дунёқароши, ақл-ид-роқни, ахлоқ-одоби билан бир поғона баланд юриди-ганлар ўтириши лозим бўлган мансаб курсида қимлар ўтирибди? Қонун-қоидаларни менсимайдиган ва уларга доимо итоат қилишга одатланмаганлар-нинг танобини тортишга қодир қўллар бор-ку ахир! 15 D 0020 давлат рақам-ли «Нексия» русумли шах-сий автомобилнинг ҳам ойналари қорайтирилган. Ҳайдовчи Аълохон Латипов биринчи марта ҳайдовчилик гувоҳномасини қоидабузар-лик қилиб олдириган. Иккин-чи мартаба яна қоидабу-зарлик оқибатида талони-ни олдиради. Энди эса қўлидаги вақтинчалик гу-воҳномани ДИХХ ходими-га тўхтаётди. Энг ачинарли-си, вақтинчалик гувоҳнома-нинг ҳам амал қилиш му-ддати ўтиб кетган. Нексия бирининг номида. Ишонч қорози йўқ.

— Қаерда ишлайсиз, — деб сўраймиз ҳайдовчи Аълохон Латиповдан.

Ака, ҳеч қаерда ишла-маймиз, даҳадимизнинг то-пан пулини бё ётимиш... «Нексия»ни нигоҳтортар қилиб безатиб юрган, ма-даний кийинган бу йигит-

Фарғона шаҳрида истиқо-мат қилади. Фарғона дав-лат Университети ҳуқуқшу-нослик факультети туртин-чи курс талабаси.

— Орқа ва ён ойналари қорайтирилган автомаши-нада юрганлар маъмурий жавобгарликка тортилиши-ни биласизми? — сўраймиз ундан.

— Ҳа, биламан.

— Унда нега қоидага амал қилмайсиз, устига-устак автомобилни техник қўриқдан ўтказмайсиз?

— Узр, энди қоидага амал қилман, ойналарини ўчириб оламан.

Баённома тузишга шайланган ДИХХ ходими-дан илтимос қила бошла-ди. Мана сизга келгусида ҳуқуқшунос бўладиган ким-саннинг асл қўёфаси.

Яна бир «Нексия» ойна-лари қорайтирилгани учун тўхтатилди. 15 F 2200 дав-лат рақамли шахсий авто-машина ҳайдовчиси Жа-ҳонгир Мамадалиевнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам йўқ экан.

— Машина ўзингизники-ми, — деб сўраймиз ҳай-довчидан.

У Анвар Тешабев номи-га ёзилган ҳайдовчилик гу-воҳномаси ва талонини бизга тўтқизиб «шу киши-ники» деди. Дарҳақиқат, ҳайдовчилик гувоҳномаси-да форма қилинган Анвар Те-шабев акс эттирилган эди. «Нексия»нинг техник пас-портини суриштирдик. Ав-томашинанинг ҳақиқий эга-си Анвар Ҳамидов экан. Нима бўлганда ҳам ҳайдо-вчининг ҳомиеси — ҳуқуқ-тартибот идорасининг ҳо-дими эканлиги маълум бўлиб қолди.

Фарғонада шу нарсга амин бўлдики, қонун-қоидаларга бепасанд назар билан қарайдиганларнинг аксарияти, ҳудди Андижон-

Аммо судда оғир жазо оли-шини сезгани ҳамома аби-га иқдорлик билдиришдан бош тортиди. Жиноятни ас-лида бошқарилган, Ҳасан э-ли эса алданган кишидек кўрсатишга ҳаракат қилди.

Самарқанд вилоят жино-ят ишлари бўйича суди тир-гов материалларини, гувоҳ-лар кўргазмаларини, экспер-тиза хулосаларини ва бош-қа ашёвий далилларини ҳар томонлама чуқур синчиқлаб ўрганиб чиқиб Руслан Уро-қовнинг жиноятида енгил-лаштирувчи ҳолатларни то-полмади. Қотил ўлим жазо-сига ҳукм этилди.

Бу воқеа айримларни хушёрликка ундаса ажаб эмас. Ахир синалмаган, но-ташис қимсага уйининг тур-ни очиб бериш шартми? Чолу кампир бегона киши билан бирга яшаб келаёт-ганлигини нега сир тутган? Лоқалл миллиянига ҳабар бермаган? Оқибатда... одам-нинг олмаси ичиди бўлади де-ганларидек, Руслан ҳам соф-дий чолу кампирнинг қўйни-га ширинган ажал бўлиб қичди. Узгалар ишончини қозониб, мол-мулкига қўз олайтиришга, ҳатто жонига қасб қилишга бориб етди.

Арселон УСМОНОВ,
Самарқанд вилоят жиноят ишлари бўйича суди раисининг ўринбосари,
Зохир ТУРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Жиноят ва жазо

Самарқанд вилоят жиноят ишлари бўйича суди раислиги мақсадида ўта шайқошчилик билан содир этилган қотиллик устидан ўзининг адолатли ҳукмини чиқарди. Шахсий мулкни ўзлаштириш мақса-дида босқинчилик йўлига ўтиб, икки ки-шининг умрига зомин бўлган ашаддий жино-ятчи олий жазога маҳ-кум этилди.

Воқеа ёзининг иссиқ кун-ларида Самарқанд тумани «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудидидаги ҳўжа Ахрор Ва-лий маҳалласида рўй бер-ди. Кечагина қўшнлари билан бинойидек қақчақлашиб турган эр-хотиннинг жасад-лари саҳарда айвонда то-пилди. Ёстиқ қон, қўрпа-тушаклар қон. Унинг бор жиҳозлари ағдар-қўнтар қилиб ташланган. Қўшнлар ҳайрон: ким қилган экан бу разил қотиллик? Ахир чолу кампир чумолига ҳам зиян етказмайдиган дуоғуёй ин-сонлар эди-ку!

Туман прокуратураси бошчилигидаги тезкор ғуруҳ дарҳол жиноят изларини аниқлашга киришди. Марх-умларнинг яқин кишилари, фарзандлари, қўни-қўшни-лари ва яна ўнлаб гувоҳлар сўроқ қилинди. Экспертиза тайинланди. Қотиллик изла-ри синчиқлаб ўрганилди ва ниҳоят маълум жиноятга шу уйда ижарада яшоб келган Руслан Уроқов гумондор деб топилди.

...Руслан уша тунда чолу кампир ухлаб ётган хонага де-раза орқали кириб келди.

Кўлида темир дастали болға-ча, қўзлари бежо. У бу хонага эркин кириб-чиқадиган бўл-гандан буён кўнглига шўм ни-ятни туғиб олган эди. Чолу кампирнинг бисоти мўлга ўхшайди. Мудом эҳтиёт қилиб ўйнайди. Яшириб қўйган пул-ларни, тилла тақинчоқларини топиб олам ҳам етиб орта-ди. Шу ҳаёлда у оёқ учиди юриб хонанинг у ёқ бу ёғини

титқилай бошлади. Қараса, эрхотин уйғониб қоладиган-дек қимирлаб қўйишди. Йе, бу нимаси, таниб қолиб шовқин кўтаришса-я?

Шунда «ижарачи» қўлидаги темир дастали болға билан қотилнинг пешонасига икки мар-та қарсиллатиб солди. Тирки-раб отилган қон айвон усту-нларига сарчаб кетди. Қотилнинг инграшидан уйғониб қолган Мария опа ҳам болғанинг аёв-сиз зарбига дучор бўлди.

Сўнгра қотил улар турган уйни роса титқилаб қичди. Аммо тахминлари нотўғри экан, қўлга илинқили ҳеч нар-са тополмади. Энди жиноят изларини қолдирмай тезроқ қочиш керак. Шу мақсадда у ижарадаги хонадан ўзига те-

тиклилай бошлади. Қараса, эрхотин уйғониб қоладиган-дек қимирлаб қўйишди. Йе, бу нимаси, таниб қолиб шовқин кўтаришса-я?

Шунда «ижарачи» қўлидаги темир дастали болға билан қотилнинг пешонасига икки мар-та қарсиллатиб солди. Тирки-раб отилган қон айвон усту-нларига сарчаб кетди. Қотилнинг инграшидан уйғониб қолган Мария опа ҳам болғанинг аёв-сиз зарбига дучор бўлди.

Сўнгра қотил улар турган уйни роса титқилаб қичди.



Ишонаверинг ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Бу турфа олам ўзининг ажойибу гаройиб сир-синаотларига тўла. Бу оламда нималар бўлмайди, дейсиз? Ушқанди Улугбек ёш, гўр йигит эди. Онанасидан эрта айрилди. Маъракалар ўтган, отаси қариндошларининг қис-тоси билан биринчи турмушдан фарзанд кўрмай ажраш-ган бир бева аёлга уйланди.

Ўғай она Улугбекни хуш кўрмасди. Эрига билдирмай унга кўп азоб бера бошлади. Улугбек бундан отасига билдирмас, дакки эшитмаслик учун уй юмушларини кам-кўйсиз бажаришга уринди.

Бир кунни нима бўлди-ю, она Улугбекни отасига арзимаган ба-хона билан урдирди. Ушанда ҳам индамади. Ийғалай-ийғалай қўйла-рини олдириб қўйлағи далага чиқиб кетди. Онанаси эслаб хўнграб йиғлади, сўнгра майса устида улаб қолди. Қанча улағанини бил-майди. Бошини кимдир силаб ўтирганини сезиб, уйғониб кет-ди. Қаршида кўзларидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқоли кўксига тўшган бир нуруйи қария турарди. Чол боланинг пешона-сини сийлади:

— Уғлим, нега бунча кўп сики-лаверсан?

— Ахир, ахир... — деди-ю, бўзига бир нарс тикилгандек, сўзичи давом эттирмай йиғлаб юборди у.

— Майли, болам, тушунаман, худо бор. Ўзингни қойтаверма, — қўйнидан бир таёқча чиқариб деди:

— Мана бунга ол, у доимо ўзинг билан юрсин. Бу сенга бахт ва омад келтиради...

Улугбек бу воқеадан сўнг ан-чагина ўзига келмай юрди. «Ту-шимми ё ўнгимми?» — дея хай-ратланди.

Лекин ҳар кунгидан кайфияти чоғ онанинг меҳрибонлигидан хайрон бўлди. Ота ҳам ўзгарган, меҳрибон бўлиб қолганди.

Йиллар ўтди. Улугбек ўрта мактабни, сўнгра олийгоҳни та-момлади, яхши ишнинг бошини тутди. Уйланди.

Лекин тез-тез ўша таёқчани қўлига ушлаб, ёшида бўлиб ўтган аччиқ, ҳам ширин хоти-раларни ёдга олади. Ким эди у қария! Ҳазрати Ҳизр деганлари ўша қийиндир-да...

Дилфуза ХАЙДАРОВА.

ҲАЛОЛЛИК

Ривоят қилишларича, ўтган замонда бир камбағал йигит катта бойнинг уйида хизматкорлик қиларкан. Унинг меҳнатқашлиги, ҳалоллиги ва покли-ги бойга ёқиб қолиб, яккая юғона қизини унга никоҳлаб берибди. Ордан бир-икки ой ўтса ҳамки, йигит қаллиғига қарамас, унга яқинлашмас эмиш.

Бундан воқиф бўлган қизнинг онаси воқеани бойга айтибди. Бой йигит-ни чақириб, бунинг сабабини сўраган экан, йигит шундай жавоб қилибди:

— Қўл остингизда жуда кўп хизматкорлар ишлайди. Сиз уларнинг ме-хнати тўғрисида билингиз. Қизингизни ҳам ўзгалар меҳнати эвазига то-пилган бойлик ҳисобидан боққансиз. Энди мен уни олти ой мобайнида ҳалол топганим билан боқаман, сўнг ҳалоллаб хотин қиламан. Шунда туғилган фарзандларимиз ҳам иймон-этиқдорли, ҳалол одамлар бўлиб ўси-шади.

Йигитнинг бундай очиқчасига гапирганидан бой ғазабланса ҳам тўғри сўзларини тан олиб, унга оқ фотиҳа берган экан.

Бўлажак рафиқаси отасининг амалию бойлиғига қараб совчи қўядиган замондош йигитларимиз, тўйдан ва тўйдан кейин қудаларининг олди бер-дисини уйлаб иш тутадиган бугунги айрим ота-оналар ҳам юқоридаги ривоятдан хабардор бўлишса фойдадан холи бўлмасди.

Қиссадан ҳисса:

Ҳалол яшамоклик саодатингдир, Комил инсонларга хос одатингдир, Иймон гавҳарини лойга булғама, Бу гавҳар обрўинг ва давлатингдир...



• Самар-қанд тумани ҳокими, Олий Мах-лис депутати Раҳима Ҳақимова табиатан болажон аёл: тез-тез мактаб-ларда бўлиб, ўқувчи-ёшлар би-лан учра-шиб тура-ди.

ПИБОС — ҲАЁ БЕЛГИСИ ЭМАСМИ?

Ўғилчам билан болалар богчасидан қайтаётган эдик. Шу пайт у қўли билан ёнимиздан ўтган аёлни кўрсатиб шун-дай деб қолди:

— Ойихон, қаранг, анави хотиннинг қўйлағини орқаси йиртилиб қопти, ай-ай... — деди.

— Чеварнинг озгина ипи тикишга ет-май қолди, — ёлғондан изох бераман болам.

— Болақай тушмагур бундай «атре-ли» қўйлақларни ҳозир «мода» бўлгани-ни қайдан билсин...

Ҳа, кейинги пайтда кийиниш борасида аёл-ларимиз, ўсмир қизларимизнинг айримлари ту-зуксиза чегарадан чиқмоқдалар. Бадагга гўя-да ёпишиб турадиган кофточка-ю майкачалар, эаги ерга тегадиган узун ва тор, аммо икки ёни ёки орқа чоки сонгача очик қўйлақ, юбка-лар айна пайтда урф бўлиб қолди. Узун кий-ишнинг маънисини нимаю, ёнидан, орқасидан «йиртиб» қўйишнинг маънисини нима?

— Ҳозирги қиз-жувонларимизнинг аксарияти мана шундай «отрезли» либосларни тиктири-шяпти, — дейди яқин чевар дугонам.

— Бундай фасонларга нечук қизиқишяпти-кин? — сўрайман ундан.

— Мақсади атрофдагиларни ўзларига қара-

тиш, жалб этиш-да, — лўндагина жавоб беради чевар тикувчи. — Бўлмаса ҳаёли, бамаъни ва ихчам кийимларимиз ёш қарига қандай яраша-ди!

Халқ тилида қиз болани бировга мақташаёт-ганда «қанд қозоғга ўралгандай сақланган» де-ган иборани қўллашганини эшитганмиз. Афсу-ски, бор қоматини кўз-кўз қилиш учун ўзидан уч-тўрт улчов кичик кийим қиядиган, кўраги ярим очик, ёнлари, орқаси юқорисига чокланмаган қўйлақ ёки мини юбка қиядиган қизларни ҳам «қанд қозоғга ўралгандай сақланган» деб бўла-димми?

Асло йўқ.

Фикру ёди устидаги либоси билан бошқалар-ни ўзига жалб қилиш экан, бу тоифадагилар қараганга бир гуноҳ бўлса, қаратганга юз гуноҳ эканини англашармикан? Ёши эллиқларга яқин-лашган, набирали баъзи аёлларимизнинг ҳам шундай мода кетидан қуваётгани масхарабоз-лика ўхшади.

Яқинда телевидениеда бир келин-куёвдан ин-тервью олинди.

Келинчаққа разм солдим. Бошида фата ҳам йўқ — бўлганида очик елкаларини, юзларини сал бўлса-да яшириб турармиди. Келинлигини бил-дириб сочига оқ гулли, тожми тақиб олган. Ел-калари гир айлана очик. Қўйлақ қоматда қандай

турибдйкин, дейсиз. Ёнидаги куёвнинг ҳами-ятига тан бердим. Қаллиғини шу алфозда ҳам-мага кўз-кўз қилипти...

Оиладаги аёл ва эркак ҳамиша бир-бирига қондош ва жондош. Бир-бирини суяб, ҳимоя қилиб, керак бўлса шаъни учун курашиб яшай-ди. Лекин айрим эркакларга, йигитларга ҳам қўйил қолмайсан одам. «Сўнгги мода» дея со-нигача очик кийим қиядиган опа-сингиллари-мизнинг оталари, эрлари, ака-укалари йўқми-кан?! Бўлса нега сал тергаб қўйишмайди? Ра-фикалари, сингиллари, қизлари кўча-қўйда шундай либосда юрсалар уларнинг нега ор-лари келмайди? Ҳайронман.

Ушбу сатрларни ўқийтган ўқувчи мени қолоқликда, замондан орқада қолганликда айлалши мумкин. Йўқ, мен қолоқ эмасман. Ўзгаллик, ранг-баранглик, янгилик тарафдо-риман. Лекин ҳеч бир ҳаракат, ҳеч бир қадам хотин-қизлар шарм-ҳаёси ва ибосига, боки-ралиғига, аёллик латофатига чанг солмасин.

Қисқача қилиб айтганда, ўз жинсдошларим-ни ўзгалар олдида, бегона кўзлар учун «ви-рина»га қўйилган буюмдай томоша бўлиб қолишларини истамайман.

Рислиқхон МАЖНУНОВА, журналист.

ЛУҚМА БЕҲАЁ «САҚИЧ»

Кўчада биров боласи-нинг қулқидан қўйиб: «Қа-ердан олдинг?» деб дағдаға қилиб турган экан.

— Ҳа, нима бўлди? — бе-зовталаниб сўрадим.

— Манавини қаранг, уят-сиз! — деди.

Бундай қарасам, қип-яланғоч сурати туширилган «жевачка» экан.

— «Оптим»дан олганмиш. Бу бозорнинг ҳужайини борми-йўқми? — деди ҳали-ги киши қўлини паҳса қилиб.

Э-э, сиз бозорни ай-тасиз. Қайси кун мен не-варамнинг пахсадидан то-ғиб олдим. Укув, таълим-тарбия даргоҳидайдим со-тапти, — деди моҳарони кузатиб турган бир ўткин-чи.

Шу аснода учинчи бир киши гапга аралашиб қол-ди:

— Сизлар «жевачка»ни гапиряписизлар. Уятсиз су-ратлар бор карта сотаяпти, ўсмир болалар олапти. Бе-ҳаёлик порнографиясини тарғиб қилиб, фарзандла-римизнинг маънавиятини булғатган бу пулпогармон-ларни ким назорат қилади?! Биз худди шу саволни матбуот орқали қўйчиликка ҳавола қилишни лозим то-дик. Сиз бунга нима дей-сиз?!

А. ТОШМАТОВ.

Во ажаб! «ХОТАМТОЙ» ҚЎШНИ

Қўшимиз Болтавой акани ҳамма жуда зикна-ва хасис одам деб билла-ди, «бу кишидан қишда қор сўрасанг, лабига учуқ тошади, қорни ҳам қиз-ганади», деб таъриф бе-ришади.

Бўлмаган гап экан. Мана, кечагина қалинроқ қор ёғувида, Болтавой ака ҳовлисидаги ҳамма қор-ни кўчага чиқариб таш-лади. Яна уни хасис, зик-на дейсизлар-а!

М. МАҒЗУМОВ.

ЎЗБЕК ПАСПОРТИ

Яшиллик, яшариш, яшнаш демакдир. Рангингда мужассам ҳаётий фарах, Сени қўлга олмақ нақадар бахтдир, Сени қўлга олмақ нақадар шараф!

Сен ўзбек элимининг ёрлиғи бўлиб, Дилларга бахш этгин бир олам сурур. Сени қўлга олган қувончга бўлиб, Юрагиди туйсин ифтихор, гурур.

Сен яшил далалар тимсоли бўлгин, Яшариб, гулласин кенг бу оламлар. Сен улкан чинорлар мисоли бўлгин, Фарғонамни эслаб қўйсин одамлар.

Сен қулгу олиб кел болалонларга, Боғларни тўлдириб тутсин жарангги. Тинч уйку олиб кел бобоқлонларга, Юзларида балқсин имоннинг рангги.

Барақа бўлиб кир ҳар хонадонга, Донга тўлиб кетсин катта хирмонлар. Тўкин-сочин, қутли, кенг дастурхонга Тандирдан узилсин иссиқ ширмонлар.

Тинчлик олиб келгин барча оламга Ўзбекистон — Ватан гуллаб-яшнасин. Тинчлик олиб келгин барча одамга, Сенинг соҳибларинг бахтли яшасин!

Зумрад ХҲАЕВА.



Ёш болалар одатда, Нозик, кучсиз саналар.

Лекин бизлар чемпион, Кўриб қўйсин катталар.

«Адолат»га обуна бўлишни унутманг.
Нашр кўрсаткичи — 100.

ХИҚМАТ— ОЛТИН

• Кимнинг қалби ҳамма учун тепаётган бўлса, у одам чинакам буюқдир.

• Бошингга қайгу туш-ганда атрофингга қараб, ўзингни бос: сenga қара-ганда қисмати оғирроқ кишилар ҳам бор.

АЛЛОХДАН ЯХШИЛИК ТИЛАНГ

Жобир (р.а.) ривоят қилади: Расулulloх (с.а.в.) бизга барча ишларда ис-тихора (яхшилик тилаш)ни Қуръондан сура ўргатган-лари каби ўргатган эдилар. Айтардилар: «Биронангиз бир иш қилишни дилига тугса, икки рақбат нафл намаз ўқисинда, айтсин: — Парвардигор! Мен Сенинг илминг билан Сендан яхшилик-ни сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қудрат-қодирлик тиламан. Сендан улуғ-фазилат билан сўрайман. Сен қодирсан. Мен қодир эмасман. Сен билув-чисан, мен билмайман. Сен ғай-бларини-да билувчидирсан. Пар-вардигор, агар мана шу иш (ҳожатини айтиди) мен учун ди-нинида, ҳаётимда ва оқибатимда яхши эканини билсанг, мени унга қўндр эт ва уни менга осон қил. Сўнг уни менга баракотли эт. Агар бу иш мен учун динида, ҳаётимда ва оқибатимда ёмон эканини билсанг, уни мендан, мени ундан узоқлаштир. Қарда бўлса ҳам, менга яхшиликни на-сиб эт. Сўнг мени бу яхшилик билан рози қил».

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖУРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Д. К. ҚИРҒИЗБОВ (бўлим мудири), Р. АЗИ-МОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У.Ф. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОН-ХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Навбатчи —
Илхом СИДИКОВ

Саҳифаловчи —
Бахтияр ҚУШОКОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан

140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма — 2936,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А-2
Адади: 1391
Газета ИВМ
компьютерига
терилди.

ГАП ҲУЖЖАТДА ЭКАН

Масал

Ўрмонда катта даракларни қўририш учун кучи етади-ган Фил кераклиги ҳақида гап тарқалди.

Бундан хабар топган Фил ўрмон маъмуриятида иш-лайдиган Тулкига мурожаат қилди.

— Ўзлонда катта даракларни қўририш учун Фил керак дейилган экан. Шу иш бўйича келган эдим.

— Жуда яхши, ҳужжатларингизни кўрсатинг.

— Мана ҳужжатларим.

Тулки ҳужжатлар ичидан Филнинг шахсини тасдиқлов-чи ҳужжатни олиб кўриб, деди:

— Сизни ишга қабул қила олмаيمиз.

— Нима учун? Ахир мен қўриб турганингиздек, ўша сўралган Филман-ку.

— Ҳа, тўғри, Сиз айнан Филсиз, лекин, мен сизни ишга қабул қила олмаиман.

— Нимага?

— Ҳужжатингизда сизни Сичқон деб ёзишган экан.

Шу пайт эшик олдида турган Сичқон қўриқчириб юбор-ди. Сабаби, қўлидаги ҳужжатда уни Фил деб ёзишган экан-да.

Шундан буён Сичқон ҳужжат бўйича ҳанузгача Фил ўрнида ишлаб келмоқда экан.

Ҳа биродар гап ҳужжатда. Шунинг учун «Баъзилар Си-чқондан Фил ғайди» десалар, ишонаверинг.

Рустамжон УРИНОВ.

ХАЛҚ БИЛИБ АЙТАДИ

• Жўхори популининг қайнатмаси буйракда-ги тошни эритади.

• Тоза қор совунни озгина оқ ёғда қайнатилса, малҳам бўлади. Ана шу малҳамни кечқурун йиринг-боғлаган жойга қўйилса, эрталабгача сан кўр-ман кўр бўлиб кетади.

• Шафтолининг барги қайнатиб ичилса, ҳар-хил тошмалардан ҳосил бўлган қичитмадан-форигъ этади.

• Тоза салидол яра-чақага даво. Кечқурун боғ-ланса эрталабгача йирингли яранинг ўзатини тор-тиб олади.

• Раёно гули қайнатмаси қорин оғригини тўхтади. Чўғда кўмиб пиширилган тухум ҳам қорин оғриғига яхши даво бўлади.

• Қўриқчириб юбор-ди. Сабаби, қўлидаги ҳужжатда уни Фил деб ёзишган экан-да.

Шундан буён Сичқон ҳужжат бўйича ҳанузгача Фил ўрнида ишлаб келмоқда экан.

Ҳа биродар гап ҳужжатда. Шунинг учун «Баъзилар Си-чқондан Фил ғайди» десалар, ишонаверинг.

Рустамжон УРИНОВ.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёс Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖУРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Д. К. ҚИРҒИЗБОВ (бўлим мудири), Р. АЗИ-МОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У.Ф. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОН-ХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Навбатчи —
Илхом СИДИКОВ

Саҳифаловчи —
Бахтияр ҚУШОКОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан

140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма — 2936,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А-2
Адади: 1391
Газета ИВМ
компьютерига
терилди.

Қўғозмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси
басмаҳонасида қон ўтказди.
Қорхона манзили: «Ўзбек Тўғри» кўчаси, 41.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма — 2936,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А-2
Адади: 1391
Газета ИВМ
компьютерига
терилди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.